

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИЧКИ ИШЛАР VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУДОФАА VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ФАВҚУЛОДДА
VAZIЯТЛАР VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МИЛЛИЙ
ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

264 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2675

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 14 апрелдаги ПФ-4715-сон «Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 15 май,
43-сон

264-модда

— 46 —

20 (676)-сон

Ички ишлар вазири

А. АХМЕДБАЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 15 май,
12-сон

Мудофаа вазири

Қ. БЕРДИЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 15 май,
6-сон

**Фавқулодда
вазиятлар вазири**

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 15 май,
4-сон

**Миллий хавфсизлик
хизмати раиси**

Р. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 15 май,
54-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 15 май,
01-02/5-20-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги,
Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар
вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва
Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил
15 майдаги 43, 12, 6, 4, 54,
01-02/5-20-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари
ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар
пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва
молиялаштириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 14 апрелдаги ПФ-4715-сон «Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (бундан буён матнда Пенсия жамғармаси деб юритилади) маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига 2015 йилнинг 1 майидан бошлаб ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида қўшимча тўлов (бундан буён матнда қўшимча тўлов деб юритилади) белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Қўшимча тўлов Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўланаётган пенсияга қўшиб белгиланади.

2. Қўшимча тўлов:

2015 йилнинг 1 майига қадар 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқароларнинг пенсиясига 2015 йилнинг май ойидан бошлаб;

2015 йилнинг 1 майидан кейин 100 ёшга тўладиган фуқароларнинг пенсиясига шахс 100 ёшга тўлган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб ҳар ойда ариза тақдим этмасдан қўшиб тўланади.

3. Белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарганда қўшимча тўлов энг кам иш ҳақи миқдорига мутаносиб равишда ўзгартирилади.

2-боб. Қўшимча тўловни тўлаш

4. Қўшимча тўловни тўлаш пенсияга устама ҳақларнинг сони ва миқдорларидан қатъи назар, амалга оширилади.

5. Қўшимча тўловни тўлаш фуқарога тўланаётган пенсияни тўлаш тўхтатилганда ёки тўхтатиб турилганда белгиланган тартибда тўхтатилади ёки тўхтатиб турилади.

6. Фуқаро томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган қўшимча тўловнинг ҳисобланган суммаси ўтган вақт учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ энг кам иш ҳақи миқдорлари оширилиши ҳисобга олинган ҳолда бир йўла тўланади, бироқ уни олиш мақсадида муружаат қилишдан олдинги 12 ойдан ортиқ вақт учун эмас.

7. Доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига кетишгача белгиланган қўшимча тўлов (Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўғрисида халқаро шартномалар тузган давлатлар бундан мустасно) Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига кетиш тўғрисида ариза берилган кундаги энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ташқарисига жўнаб кетишдан 6 ой аввал Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланади.

Қўшимча тўлов тўланадиган 6 ойлик давр доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига кетишдан аввалги 6 ой учун қўшимча тўловни тўлаш аризада кўрсатилган санадан бошлаб ҳисоблаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўғрисида халқаро шартномалар тузган Ўзбекистон Республикаси ташқарисидаги давлатга доимий яшаш учун кетилган кунгача тайинланган қўшимча тўлов турар жойидан рўйхатдан чиққан ойнинг охиригача тўланади.

8. Фуқаро доимий рўйхатдан ўтмаган ва у фақат вақтинча рўйхатдан ўтган бўлса (Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олинган бўлса) қўшимча тўлов вақтинчалик рўйхатдан ўтишнинг (Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олишнинг) амал қиладиган муддати мобайнида тўланади. Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга қўшимча тўлов яшаш гувоҳномаси амал қиладиган муддат давомида тўланади.

Бунда қўшимча тўловни тўлаш тўхтатиб қўйилган вақтдан бошлаб лекин ҳисобга қўйилгандан олдинги 12 ойдан ошмаган давр учун тикланади.

9. Фуқаронинг вафоти муносабати билан олинмай қолган қўшимча тўловни тўлаш «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 63-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3-боб. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларида рўйхатда турувчи 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни молиялаштириш

10. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларида рўйхатда турувчи 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқароларнинг пенсиясига белгиланган қўшимча тўлов уларнинг пенсия миқдорига қўшилган ҳолда тўлов қайдномаларига киритилади.

11. Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармалари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларида ҳисобланган қўшимча тўлов учун маблағларга бўлган эҳтиёжни пенсия ва нафақа тўловлари учун ойлик умумий талабномада ҳисобга олган ҳолда ҳар ойнинг 15-санасига қадар Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппаратида тақдим этади.

**4-боб. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги,
Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги,
Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасида
рўйхатда турувчи 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар
пенсиясига қўшимча тўловни молиялаштириш**

12. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасида ҳисобда турувчи 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқароларнинг пенсиясига белгиланган қўшимча тўлов алоҳида тўлов қайдномаларига киритилган ҳолда амалга оширилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси тизимларига кирувчи ҳудудий таркибий бўлинмалар ҳар ойнинг 5-санасига қадар жорий тўлов ойи учун қўшимча тўловларга бўлган эҳтиёжни аниқлайди ҳамда улар рўйхатдан ўтган ҳудуд бўйича Пенсия жамғармасининг тегишли туман (шаҳар) бўлимларига мазкур Низомнинг 1-иловасида белгиланган шаклда талабнома ҳамда 2-иловасида белгиланган шаклдаги реестрни тақдим этади.

14. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари талабноманинг тўғри тузилганлигини реестр билан таққослайди, зарур бўлганда қўшимча тўловни амалга ошириш учун асос бўлиб ҳисобланган ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси тизимларига кирувчи ҳудудий таркибий бўлинмалардан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

15. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси тизимларига кирувчи ҳудудий таркибий бўлинмалар томонидан тақдим этилган талабномаларга асосан ҳар ойнинг 7-санасига қадар талабномаларни Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармаларига юборади.

Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармалари эса талабномаларни ҳар ойнинг 10-санасига қадар Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппаратида тақдим этади.

16. Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати тақдим этилган талабномаларга асосан маблағларни жорий тўлов ойининг 15-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги бўлинмалари то-

монидан Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий бошқармалари учун очилган шахсий ғазна ҳисобварақларига молиялаштиради.

17. Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармалари маблағларни 2 иш кунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги бўлинмалари томонидан Пенсия жамғармасининг тегишли туман (шаҳар) бўлимлари учун очилган шахсий ғазна ҳисобварақларига молиялаштиради.

18. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари маблағларни тақдим этилган талабномаларга мувофиқ 2 иш кунда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси тизимларига кирувчи тегишли ҳудудий таркибий бўлинмаларга молиялаштиради.

5-боб. Яқуний қоидалар

19. Қўшимча тўловни тўлашга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

20. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Талабнома тақдим этаётган
ташкilotнинг штампн**

_____ га
(Пенсия жамғармаси туман (шаҳар)
бўлимнинг номи)

(Ташкilotнинг тўлиқ номи)

Олинди

_____ (Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими
ходимнинг имзоси)

СТИР рақами _____
Ҳисоб рақами _____

_____ Шахсий ғазна ҳисобварағи

_____ Банк коди _____

_____ Банк номи _____

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан 100 ёшга тўлган ва
ундан ошган фуқароларга энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорид
қўшимча тўлови учун маблағга бўлган
ТАЛАБНОМА**

Т/р	Кўрсаткичлар	Қўшимча тўлов олувчилар сонн	Ҳақиқий харажатлар амалга оширилган давр	Ҳақиқий харажатлар суммаси (сўмда)
1	2	3	4	
1.	100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқароларнинг пенсиясига ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорид қўшимча тўлов			

Ташкilot раҳбари _____
(имзо)

М.Ў.

Бош бухгалтер (бухгалтер) _____
(имзо)

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан
ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари
ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган
фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни
белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан 100 ёшга
тўлган ва ундан ошган фуқароларга энг кам иш ҳақининг
100 фоизи миқдорида қўшимча тўлов учун маблағга
бўлган талабнома
РЕЕСТРИ**

20__ йил _____ учун

Т/р	Ф.И.О.	Туғилган санаси	Тўлов амалга оширилаётган давр	Тўлов суммаси (сўмда)
1	2	3	4	
	Ҳаммаси	х	х	

Ташкилот раҳбари

(имзо)

М.Ў.

Бош бухгалтер (бухгалтер)

(имзо)